

Жаноби Олийлари, Вакиллар палатасига сайловда Япония Либерал-демократик партияси галаба қозониши ҳамда менинг Япония Бош вазири лавозимига қайта сайланишим муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари йўллаган самимий табрикни беҳад миннатдорлик билан қабул қилганимни маълум қилиш шарафидан бахтиёрман.

# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 11 октябр, сешанба № 166 (2007)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчилари ва меҳмонларини чин дилдан кутлайман. Бугун очилаётган ярмарка Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг миқёсли иқтисодий ислохотлар самараси бўлиб, мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозориди энг етакчи иштирокчилардан бири сифатида нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Замонавий инфратузилмаси яратилди. Шунингдек этиш муҳими, биз катта ресурсларга эга бўлган ҳолда, пахта чукур қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш билан бир қаторда чет элларда пахта толасини сотишнинг самарали шакли ва усулларини тақомиллаштиришга, махсулот экспорт қилиш географиясини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Кейинги йилларда Осиёнинг Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва бошқа муттасил ривожланиб бораётган давлатлари тўқимачилик корхоналарининг юқори сифатли ўзбек пахта толасига бўлган эътибори тўғрисида ошиб бораётганини ва экспорт ҳажмлари барқарор ўсаяётганини эътиборга моликдир.

шакллантириш ҳамда ривожлантиришга интилишимиз ва бунга тайёриликни таъкидлаб ўтиш лозим.

Жаҳондаги барча етакчи пахта трейдерлари Тошкентда ўтказилаётган Ўзбекистон пахта ярмаркасида иштирок этиш ҳақидаги таклифни қабул қилганликларидиққатга сазовордир. Ишончим комилки, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончи, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустақам асос яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига омад ва ишларига самара тилайман.

Ислон КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ТОШКЕНТ ЖАҲОН ПАХТА САВДОСИ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

10 октябрда Тошкентда очилган Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасида 26 мамлакатдан келган 200 дан ортик компания ва фирма вакиллари иштирок этмоқда. Ярмарка Ўзбекистон ҳукумати томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси ва ушбу соҳада энг нуфузли нашрлардан бири «Cotton Outlook» журнали билан биргаликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига табрикни Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон пахта толасини етиштириш бўйича йирик давлатлардан бири ҳисобланади ва юқори сифати туйғайли бу пахта жаҳон бозоридида харидорғирлиги билан ажралиб туради, деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ярмаркани очар экан.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, иқтисодий, жумладан қишлоқ ҳўжалиги тармоғида тўб бозор ислохотлари амалга оширила бошлади. Президент Ислон Каримов иқтисодиётимизнинг асосий соҳаларидан бири бўлган пахтачиликдаги илчил тарқибий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу республикамизда етиштирилаётган пахта толасининг сифатини ва демократик давлатимиз экспорт салоҳиятини анча ошириш имконини берди. Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ушбу салоҳиятни янада ривожлантириш, қўллаб-қувватлаётган пахтачилик ва тўқимачилик соҳаоти вакиллари билан тўғридан-тўғри савдо қилиш ҳамда узоқ муддатли шартномалар тузиш орқали пахтаимиз етакчи берилмаган мамлакатлар сонини кўпайтириш, шунингдек, ўзбек пахтасининг жаҳон бозоридида нуфузи ва рақобатдошлигини янада оширишга хизмат қилади.

(Давоми 3-бетда)

## Теннис

«Тошкент опен» турнирининг жуфтлик беллашувлари финалида ҳам беш соврин европалик теннисчиларга насиб қилди. Турнирда биринчи рақамда сараланган Мариа Элена Камерин /Италия/ ва франциялик Эмили Ломт жуфтлик финалда россиялик дует - Анастасия Родионова ҳамда Галина Воскобоевани 6:3, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақа голиби бўлди.

...Тошкент теннис марказида мусобақанинг голиби ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди.

Мен ушбу нуфузли турнирда голиб чиққанам-да беҳад мамунман, - деди янги чемпион М.Крайчек. - Сўрақувш Ўзбекистонда ҳар қандай мусобақа «Тошкент опен» каби юқори савияда ўтказилишига амин бўлдим. Бир ҳафта давом этган мусобақа жараёнида қорға келиб, барча спортчилар қатори мени ҳам қўллаб-қувватлаб турган теннис мухлисларидан миннатдорман.

Шундай қилиб, ўзининг маротаба ўтказилган «Тошкент опен» турнири якунига етди. 1996 йилдан бунён юқори савияда ўтказиб келинаётган турнир голиблариди - австриялик П.Вартуш, мексикалик А.Гавальдон, исроиллик А.Смашова, ўзбекистонлик И.Тулаганова, германиялик В.Ламаде, швейцариялик М.Маказуля, испаниялик В.Паскула, чехиялик Никол Вайдисова сафига голландиялик М.Крайчек ҳам қўшилиди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Тошкент шаҳри ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ, Кахрамон ҚАРШИЕВ, ЎзА мухбирлари

## НАВОЙИЛИКЛАР - МАРРАДА

Навоий вилояти пахтакорлари 110 минг тоннадан ортиқ қимматли ҳомаш ўтказиб бериб, бу борадаги шартнома мажбуриятини бажардилар. Ҳосилдорлик гектарига 28 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг 86 фоизи юқори наваларга сотилди. Вилоятнинг юксак хирмонига Қонимқо, Қизилтепа, Хатирчи, Навбахор ва Кармана тумани пахтакорлари салмоқли хисса қўшди.

Бу йил навоийлик дехқонлар учун об-ҳаво қулай келди. Ёгин-сочин меъёрида бўлди. Дехқонлар йил давомида барча агро-техник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказдилар. Натижада далаларда кўзланганидан ҳам кўпроқ

ҳосил етиштирилди. Вилоятда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган ҳам ўз самарасини берди. «Валлибод», «Ўзбекистон», «Жаҳонбод», «Давр», «Лочин», «Шехзод», «Гўзал Маржона», «Эл-2000», «Азиз Қамбарбек»,

«Олимжон» каби юзлаб фермер ҳўжаликлари йиллик режани барвақт ва орғи билан адо этди.

«Сара уруғ - мўл ҳосил гарови» дейишади. Навоийликлар азалдан сифатли уруғлик танлашга жиддий эътибор беради. Бу йил ҳам маҳаллий иқлимга мос «Бухоро-6», «Ан-Баёвту», «Оқдарё» сингари навалардан мўл ҳосил етиштирилди.

Вилоятда пахта йиғим-терими мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. Аввало, меҳнатқашларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга жиддий

эътибор қаратилди. Йиғим-терим даврида пахтакорларга маданий-маиший, савдо хизмати йўлга қўйилди.

Айни пайтда вилоятда пахта терими давом этмоқда. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Навоийликлар имкониятларини чамалаб, ялли ҳосил салмоғини 120 минг тоннадан оширишга аҳд қилдилар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларича, бу йил вилоятда пахтачиликнинг ўзидан 34 миллиард 600 миллион сўм даромад олиш кутилмоқда.

(ЎзА)

## ҚАШҚАДАРЁНИНГ УЛКАН ХИРМОНИ

Қашқадарё вилоят миришкорлари катта меҳнат галабасига эришди. Улар қабул пунктларига 426 минг тоннадан ортиқ ҳомаш ўтказиб бериб, пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини 25 иш кунинда бажардилар. Барча ҳосил биринчи сиртга қабул қилинди. Қасби, Қосон, Нишон, Қарши тумани пахтакорлари вилоят хирмонига айникса катта хисса қўшди.

Воҳада бу йил эртаги ва сифатли пахта етиштиришга, табиий иқлимга мос, истиқболли наваларни танлаш ва жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани, экиш ва гўза парвариши агротехникасига қатъий амал қилингани туйғайли мўл ҳосил етиш-

тирилди. Вилоят бўйича 130 минг гектар майдонда «Бухоро-6», 10 минг гектар ерда «Бухоро-8», 25 минг гектарда «Наманган-77» гўза навалари парваришланди.

Паст рентабелли, зарар билан ишлаётган 119 ширкат ҳўжалиги ўрнида 17 мингдан ортиқ мустақил

фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Уларнинг 13 мингдан ортиғи бу йил пахта етиштириб, вилоят хирмонига муносиб улуш қўшди. Етиштирилган ҳосилнинг 85 фоизи фермерлар хиссасига тўғри келмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараси вилоят пахтачилигининг кейинги ўч йиллик таҳлиллариде яққол кўзга ташланади. Хусусан, ўртача ҳосилдорлик ўтган йилларга нисбатан 8 центнерга ошди ва 25 центнерни ташкил этди. Шарт-

нома мажбуриятига қўшимча пахта топшириш ҳисоби ба рақам яна кўпайиш кутилмоқда.

Воҳа пахтакорлари шартнома мажбуриятига қўшимча яна 74 минг тонна пахта топшириб, ялли хирмон салмоғини 500 минг тоннага етказиш ниятида йиғим-теримини давом эттирмоқда. Бу йил вилоятда пахтачиликнинг ўзидан 60 миллиард сўм соф фойда олиш кутилмоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири

## ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ УЧУН ЕТТИ ЮЗ ЭЛЛИК МИНГ ДОЛЛАРДАН ЗИДА МИКРОДАГИ ИНСОНЛАРВАРИК ЁРДАМИ ЮҚЛАРИ ОРТИЛГАН ПОЕЗД НАВОЙИ-УРГЕНЧ-НУКУС ШАҲАРЛАРИДАН ЎТИБ, ТОШКЕНТ ШАҲРИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ.

Мазкур инсонларварлик ёрдами «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилиги, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси, Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилди.

## ОРОЛБЎЙИГА ЁРДАМ

Инсонларварлик ёрдами таркибида дори-дармонлар, озиқ-овқат махсулотлари, гигиена ва санитария воситалари, кийим-кечак, сийсий ва бадий адабиётлар бор. Шу билан бирга, Оролбўйига юқори малакали врачлар гуруҳи ҳам бориб, режалаштирилган икки мингта ўрнига уч ярим минг нафар кишини табиий кўриқдан ўтказишди.

Мазкур тадбир доирасида Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туман аҳолисига ёрдам кўрсатилди. Айникса, ноғиронлар ва кўп болали оилаларга алоҳида эътибор берилди. Бирор касаллик аниқланганда ишчи ва ходимлар маҳаллий касалхона ёки Тошкентдаги шифохоналарга юборилди.

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Наманганда қишлоқ врачлик пунктлари мутахассисларнинг билиминини ошириш, аҳолига табиий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш максималда хотин-қизларга маслаҳат бериш ва касалликларнинг олдини олиш асосларига бағишланган амалий семинарлар бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган мазкур семинарларда вилоятнинг барча туманлари қишлоқ врачлик пунктлари мудири ва акушерлари турли хил контрацептивлар, улардан фойдаланиш усуллари, зарарли жихатларини аниқлаш ҳамда бартарфат этиш ҳақида маълумот олди.

Амалий машғулотлар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилиги кўмағида вилоят Репродуктив саломатлик марказида ўтказилди. Семинарларда қишлоқ врачлик пунктларининг 25 нафар шифокори ва юздан ортиқ акушери ўқитилиб, уларга сертификатлар, услубий қўланмалар ва кўргазмалли воситалар топширилди.

# ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, ЛЕКИН СИНМАЙДИ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни қарор топтириш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг асосий қадратли сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустақамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Асосий қонунимизда мустақамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам унинг ташкилида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳоимийлик кўрсатишнинг қадратли сифатида. Ҳокимиятнинг қонунийлиги, оронумуси баланд ҳалқимизда чет эллардан «ақл ўргатиш», «адолат ўрнатиш» учун келадиган «ҳимоячи»ларнинг хизмати-га муҳтож эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганида қатъий қарор берилган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёнининг ташкилий ҳуқуқий жиҳатдан пухта, ҳолис, очиқ, ошқора, адолат ва ҳақиқат устуворлиги таъминлларига таянган ҳолда ўтаётгани юқоридидаги фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидан аён бўлмоқдаки, бир гуруҳ ақидапарастлар Андижонда террорчилик ҳаракатларини содир этар экан, биринчи навбатда, халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдариб, халифалик тузиш мўлжаллаган.

Андижонда рўй берган фожиали воқеалар фаол иштирокчиларининг иқдорлари, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг шу кунгача берган кўрсатмалари аввалбошда ўзларини «зиёли тадбиркор» қилиб кўрсатган кимсаларнинг ҳақиқий қиёфасини фож эфди.

Важалонки, инсон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланувчи баъзи хорижий ташкилотлар ва демократия масаласида «анча илғирлаб кетган» айрим давлатларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари апрелнинг охири ва май ойининг бошларида «Андижонда «Акромирлар» эмас, 23 нафар оддий тадбиркорнинг суди бўлаётми» қабилида уйдирмалар тарқатган эди.

Андижон воқеаларида фаол иштирокчи бўлгани учун эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган ва суд жараёнида гувоҳ сифатида кўрсатма берган Хасан Шокировнинг айтишича, у 1995 йили ақаси Шариф Шокировнинг давлатига кўра «Акромирлар» оқимида қиради. Унинг акалари Шариф ва Шавкат ушбу оқим раҳнамоси Ақром Йўлдошевнинг ақилларидан бўлган. Улар аъзоси ҳисобланган «Ижодий халқ» иштирокчилари 9 май кунини Толиб Қобилоннинг уйига йиғилди.

«Шариф акам мени компьютерин билан берга олиб борди, - дейди Х.Шокиров. - У ерда мен суд, пост-патруль хизмати батальони ва ҳарбий қисмларнинг М.Собиров томонидан қўлда қизилган ички жойлашув чизмаларини компьютерда тайёрлаб бердим. 12 май кунини отам бизнинг уйимизда бўлган жалақудуқлик Н.Дадахўжаев бошчилигидаги ўн нафар «ақромийларга» пост-патруль батальонига ҳужум режасини тушунтираётганини эшитдим».

13 май кунини эрта тонгда етти нафар қариндош аёлларини вилоят ҳокимлиги олдидида майдонга олиб борган Х.Шокировга ақаси Шариф бир варақ қозони узатиб, Интернет орқали «Фергана.ру» сайтига жўнатиш зарурлигини айтиди. «Унда тинч аҳоли намойиш қилаётганда ҳукумат аскарлари ўққа тутгани айтилган бўлган гаплар ёзилган эди, - дейди Х.Шокиров. - Тушдан сўнг етти қаватли бинонинг қиравериш жойида Шариф акам хорижий журналистлар - Буҳарбаева Галима ва Бағилага интервью берди».

Х.Шокиров бир неча юз киши билан Қирғизистонга қочиб ўтганидан сўнг, ўзининг ибораси билан айтганда, «олдиндан тайёрлаб қўйилган палаткалар»да яшайди. «Бу ерга Би-Би-Си, «Озодлик», «Вашингтон пост», «Нью-Йорк таймс»дан мухбирлар келди, - дейди у. - Шасхан ўзим «Вашингтон пост», «Нью-Йорк таймс» мухбирларига интервью бердим. Тан оламан, бўлмаган гапларни бўлди, деб ёлгон гаплар айтиб, тухма қилдим».

Бундан бир неча кун олдин судланувчи Муҳаммадшокир Ортиқов ўз кўрсатмасида Андижон шаҳрида «Ақромийлар» устидан суд жараёни давом этаётган пайтда улардан йигирма киши нафари эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олингани, бир киши эса очикда қолдирилгани хусусида аниқлик киритди. Судда қамоққа олинганлар панжара ортида, Равшан Азимжонов эса очикда, улар билан ёнма-ён ўтирган.

«Ташқарида» бўлаётган барча гап-сўзларни у бизга айтиб турарди, - дейди М.Ортиқов. - Уша пайтда унинг гали бўйича биз дастлабки кўрсатмаларимиздан тондик. Кейинчалик билсак, шундай қилишни хорижий журналистлар ўргатган экан».

Ақсарият гаровда бўлган жабрланувчилар ҳам ўз кўрсатмаларида бир неча олиб хорижий журналистлар кўрганни, улар гаровдагиларга (гарчанд жангариларга бегуноҳ қишиларга гайриинсоний муомала қилаётган, уларни қийноққа солаётган, уриб-тепқилаётган бўлса-да) парво қилмай ўтиб кетганини, фақат «штаб» аъзолари билан гаплашганини айтиб берди.

(Давоми 2-бетда)



Крайчек 6:3 ҳисобида голиб чиқди. Таъкидлаш жоизки, 1999 йили Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) турнири мақомини олган «Тошкент опен» иқтидорли 8 теннисчиларни кашф қилиши билан ҳам бошқа мусобақалардан фарқ қилади. Бу йил ҳам «Тошкент опен» финалига йўлланма олган Оқул Омонмуродова яқинда Осиё чемпиони, деган унвонини қўлга киритиши тасодиф эмаслигини исботлади. 16 ёшли М.Крайчек эса WTA туркумига кирувчи мусобақаларда дастлабки совринни қўлга киритди.



Хисобда орқада бораётган





Яқинда Хитой Халқ Республикаси пойтахтида халқаро маданият турнэ фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивалга Тошкент вилоятининг Оккурган туманидан "Тўрғай" фольклор-этнографик ансамбли таклиф этилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва хаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи, делегация раҳбари Урозали Тошматов бу ҳақда шундай дейди:

# «ТЎРҒАЙ»-ПЕКИНДА

— "Тўрғай" ансамбли фестивалда нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё шарофтини ҳимоя қилди. Шунга фахр билан айтишим мумкинки, барча қитъа вакиллари орасида "Тўрғай" ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турди. Миллий кийимларимиз, мусиқамиз, рақс ва кўшиқларимиз томошабинларимизга эмас, бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган санъаткорлар ва фестивал ташкилотчилари-

ди, Бразилия ва Гана давлатларидан ташриф буюрган санъаткорлар билан яқиндан дўстлашиб, ижодий мулоқотларда бўлишди. Хусусан, фестивалнинг сўнгги кунини Джин Тай меймонхонасида уюштирилган хайрлашув маросимида курилатган Олимпия шарҳасига таклиф этилди. Пекинда 520 километр узокликда жойлашган ЧинДжоу шаҳрининг қадамжолари ҳамда океан соҳилига уюштирилган саҳнат, айниқса, катта таассурот қолдирди.

2004 йилда "Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари", 2005 йилнинг биринчи ярмида эса "Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари"нинг ўтказилиши, турли фестивал ва танловлар икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларнинг мустаҳкамлашига, дўстлик алоқаларининг кенгайишига йўл очмоқда.

М.КАРИМОВА

"Ер-ёр" кинофильмини эсласангиз, ўгли Бахтиёрнинг бахтини деб Зулфия исми қизин ахтариб юрган ота — Соип Хужаев «Пахтакорнинг қайсиدير жамоага ютказилганини радио орқали эшитиб, шарафдорчилигини «Бугун «Пахтакор»га нимадир етимишмапти» деган сўзларига жавобан «Мен етимишмапман, мен!» дея қўлағига шалтайлган эди. Кунин кечаси ўйинда Ўзбекистон миллий терма жамоасига нима етимишди, билмадиму, лекин учрашув натижаси барчани ракингайти бор гап.

Стадион дарвозалари учрашувга икки соат қолганда очилиб, ўйинчилар чигилёзди машқлари учун майдонга тушиб келганда, бундан ўриндик қолган эди. Минглаб мухлислар ўйингоҳ-

## ҲАЯЖОНЛАРИНИ ЖИЛОВЛАЙ ОЛИШМАДИ

ни ўраб турган девор ортидан томоша қилишга мажбур бўлишди. Нафақат Ўзбекистон, балки кўшни давлатларда истикомат қилаётган футбол мухлисларида, хатто Россия, Украина каби МДХ мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотган ушбу матч кутимиздан юртдошларимизнинг ҳужумкор ҳаракати билан бошланди. Бахрийн терма жамоаси футболчилари аввалги, ФИФА томонидан бекор қилинган ўйиндан фарқи ўлароқ, бу гап ўз дарвозалари хавфсизлигини муҳофаза қилиш нияти билангина Тошкентда ташриф буюрганликларини яшириб ўтирмадилар ҳам.

Албатта, воқеанинг шундай тус олишини инглиз мутахассиси Роберт Хуггтон ва унинг ёрдамчилари кўзда тутишган, шунга яраша тактика ишлаб чиққанликлари ва кўп бор машғулотларда синовдан ўтказганликларига шубҳа йўқ. Бироқ бу тактика негадир ҳадеганда асқотвермади. Боз устига учрашув натижасининг нечоғлик муҳимлиги ҳам футболчиларимизни ортиқ даражада ҳаяжонлантириб юборди, шекилли, ўйин тизгинини қўлга олиш жуда қийин кечди.

Спортчи аҳли жуда сезгир бўлади. Жамоа аъзоларимизнинг рухий ҳолатини кўп ўтмай меймонларимиз ҳам сезишди. Уларда ўз кучларига ишонч ва дадиллик пайдо бўлди. Ўн бе-

## «РЕВГАР» ЧОРЛАЙДИ

Шофиркон туманининг Бобур номи ширкат ҳўжалиги марказида «Ревгар» болалар спорт мажмуаси фойдаланишига топширилди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда туман ҳўлий ташкилотлари маблаг ҳисобига қад рўстлаш ушбу иншооти Бухоро шаҳридаги «Мир Кулол» хўсусий қуриш-монтаж трести биноклари барло этди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали мажмуа учун 4,5 миллион сўмлик ҳижозлар етказиб берди.

Бу ердаги улкан спорт зали ва стадиону қортларда ёшларнинг жисмоний чиникшишлари, маҳоратларини оширишлари учун барча шароит яратилган. Мажмуада ҳар кўни 600 нафар ўғил-қиз футбол, мини-футбол, волейбол, бадий гимнастика, кураш, баскетбол каби спортнинг 12 тури билан шуғулланиши мумкин.

Шунини айтиш керакки, вилоятда жорий йилнинг утган даврида бир неча спорт иншооти барло этилди. Қоровулбўзор шаҳридаги «Ўзгал» мажмуаси, Жандор тумани «Истиклол» ширкат ҳўжалигида бунёд этилган спорт иншооти шулар жумласидандир.

Майдондаги галабини эса, ишончимиз комилки, ҳали кўп бор нишонлаймиз. Аслида ҳозир ҳам кеч эмас. Йигитларимизнинг маҳорати катта шарафга лойиқ ўйин кўрсатишига қодир эканликларига қафолат. Буни рўёбга чиқариш керак, ҳолос. Ажаб эмас, биз бунга эртага, Манаманда кўрсак.

З.РИХСИЕВ

## ЭХТИРОМ ИФОДАСИ

Роман туманининг Самос қишлоғидаги қишлоқ аҳолиси ўзларининг муҳимлиги Бобойн Самосийга атаб мажмуа берло этилди. Унинг лойиҳасини вилоят архитектура бошқармасининг ижодий муаллифлари гуруҳи тайёрлади. Қурилушига энг тақрибгаи устлар жаъб қилинди.

Гўмбазли дарвоза мазмуага улғуворлик билишлб турибди. Ишот инкарисида катта айвон, масжид, ҳраву, қуджойлашган. Бобойн Самосийнинг қабри узра тикланган мабарба ўз салобати билан яқин эътиборни тортади. Эътиборчилар унн мазмуа инкарисида шанимга мезмонна ҳам бор.

Халқ меймонлигининг ўзгал аъзолари асосида тикланган ушбу мажмуа Мир Кулол ва Хожа Бақрдудин Навоийнинг ҳаратларининг устоз саналган энти ширкиф - Муҳаммад Бобойн Самосийга юксак ҳўрмет ва эҳтиром ифодасидир.

Дарёлар йиғилиб дөнгиз бўлади. Аммо дарёнинг қудратига ирмоқларнинг алоҳида ўрни бор. Шу маънода қасаба уюшмаларининг нуфузи ҳам бевосита кўни ташкилотлар бўлишига, интилиш ва ташаббус қорлиғига боғлиқ. Зеро, қасаба уюшмаларининг асосий вазифаси аввало ходимларнинг қуддалик ҳайтидаси манфаатларини ҳимоя қилишига қаратилган бўлиши керак. Қолаверса, қасаба уюшма аъзолари бевосита ва биливсита кўни ташкилот фаоллари ва етакчилари билан мулоқотда бўладилар.

Кўллаб муаммолар ана шу кўни бўғинда ҳал этилади. Кўни бўғин бевосита ишчи-хизматчилар билан ҳамкорликда ишлаб, улар манфаатини ҳимоя қилади. Керак пайтда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. 2100 нафар қасаба уюшма аъзоларини жиқлаштирган инстиут бирлашган қасаба уюшма қўмитаси ўз фаолиятида ҳисобот-сайлов

# ҚАДДИ БАЛАНД КИШИЛАР

лардан сўнг том маънода инглишлар томон юз бурди. Хар жаҳада ривожланиш шиддат билан бораётган бугунги кунда таракит билан ҳамнафас, узвий боғлиқликда иш юритиш замони талаби. Зеро, меҳнатқашларнинг онги, турмуш тарзи юксалиб бораётган

«Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Бокимжон Эргашев, ижодкор фахрийлар кенгаши раҳбари Жаббор Халиловлар қадимий ва ҳаммаша навқирон Шаҳрисабздаги Саъдий маҳалласига етиб келганларидан иборат оқсоқоллар билан гавжум эди. Эрталабки йиғининг боиси бор эди, албатта.

Миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларни ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш, ақолининг тинчлиги ва осийшталлигини муҳофаза қилишда фаол қатнашаётганлиги учун маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Фозилов, Юртбошимиз Фармонғали асосан «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

Ҳамма маҳалла оқсоқолини қўллаб-қувватлашда «Шаҳрисабзон» ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳодир Рустамов, тадбиркор Собир Ортиқов ва бошқа олиҳиммат инсонлар яқиндан қўмақлашишди.

Ҳамма маҳалла оқсоқолини қўллаб-қувватлашда «Шаҳрисабзон» ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳодир Рустамов, тадбиркор Собир Ортиқов ва бошқа олиҳиммат инсонлар яқиндан қўмақлашишди.

Буюк Соҳибқирон камол топан азиз шаҳарда бундай ибратли маҳаллалар анчагина. «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари иштирокида қўламазорлаштириш ва ободонлаштириш, тўй ва маъракаларни тартибли ўтказиш, ёшларни тарбиясини яқинлаштиришга оид муайян ишлар қилинди.

Бўри Холмуродов беш йилдан бери «Номозгоҳ» маҳалласига оқсоқоллик қилиб келади. Утган даврда бу аҳоли маскани гўзал ва баҳаю жойга айланди. Оқсоқол ҳар бир хайрли ишга қўл урганда маҳалладошларига суянади. Ёш тадбиркор Қаҳрамон Исмоил йўлларга асфальт ётқизишини ўз зиммасига олди. Ишбилармон Малик Жўраев 50 ўринли чойхона

бобомиз халққа меҳр-муруват, раҳм-шафқат кўрсатиши бениҳоя қадрланганлар. Президентимизнинг кекса авлод вакиллариға ҳўрмат-эътибор, меҳр-қўрқат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятлари ҳаммамиз учун ибрат бўлиши керак.

Шаҳрисабзлик фахрийлар тумани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни, фазилатларни ёшлар қалбига сингдиришда ҳаммаша ташкилотчи ва ташаббускор.

Бўлим ҳузурида фаол фахрий аёллар, ижодкорлар, хўнармандлар уюшмалари ишлаб турибди. Улар томонидан қизиқарли маънавий, маърифий тадбирлар

# ЭНГ КАТТА ЯХШИЛИК

«Оталар жасорати — фарзандлар мероси», «Хўшёр ва оғоҳ бўлай», «Маҳалланинг энг ибратли оиласи», «Шаҳрисабз муқаддас замин», «Қизларим, сизларга айтар сўзим бор», «Энг ёлғиз эмассан», «Қадрласанг қадр топасан» каби учрашуларнинг тарбиявий аҳамияти айниқса катта бўлди.

Туманда 31 та шаҳар маҳаллалари, 13 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўлиб, оқсоқоллар, хотин-қизлар кенгашилари, фуқаролар йиғинлари раисларининг маданий-маърифий ва диний масалалар бўйича маслаҳатчилари аҳоли ўртасида бўлиб, «Мустақиллик улғу неъмат», «Ватан саждагоҳи каби муқаддас», «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик», «Терроризм — инсоният душмани» каби маърузаларда давра суҳбатлари ўтказишди.

Бу борада Чўлпон, Хўжамурод баҳши, Тетарлик, Хўжа Хўросон ва Номозгоҳ

## ҲАМЮРИМИЗ ЖАХОН ЧЕМПИОНИ

Россиянинг Қозон шаҳрида бөлбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида наманганлик полован Рустам Умаров биринчи ўринни эгаллади. Рустам ўн икки ёшдан таниқли мураббий Нейматжон Тўйчиевдан кураш силарини ўрганиб келади. Н.Тўйчиев мамлакатимиз терма жамоасига қўллаб-қувватлашчи спортчиларни тайёрлаб берган. Татаристон пойтахтида бўлиб ўтган чемпионатда Нейматжон ақанинг яна бир шогирди — Музаффар Мирзазонов бронза медали соҳиб бўлди. Чемпионатнинг финал босқичида Ўзбекистон полвонлари Ироқ, Афғонистон ва МДХ мамлакатларининг тажрибали курашчиларига қарши гиламга чиқди. Умумжамоа ҳисобида ўзбекистонликлар битта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритиб, ўчинчи ўринни эгаллади.

## Хабарлар оқимидан ШЕЪРИЙ МАШҚЛАР ТўПЛАМИ

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти шу йилнинг ўзида бир неча тўпламини чоп этди. Улар орасида адабиёт майдонига илк бор қадм қўйиб, ўз истеъдодини намоён эттаётган ёш қаламкашлар китобчалари ҳам бор. «Севинчларим» деб номланган шеърлар тўплами ҳам китобхоналарда қизиқиш уйғотди. Бу ёш шоира Гулноза Азимова Тошкент давлат шарқшунослик институтини ҳузуридаги чет тиллар академик лицейи ўқитувчиси ҳисобланади.

## «БЕҲЗОД ВОРИСЛАРИ» ЭКРАНДА

Шарқ миниатюра санъатининг улкан намоёниси Камолдин Бехзод таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан қатор ижод намуналари юзага келди. Шу санага бағишлаб машҳур мусаввирга бағишланган ҳужжатли фильм ҳам суратга олинди. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳўжжатли фильмлар студияси томонидан экранлаштирилган «Бехзод ворислари» деган бу фильм томошабинларга манзур бўлди. Янги томошоқда республика санъат мактаб-интернатда таҳсил кўраётган ёш истеъдодларнинг бугунги изланишлари ҳақида ҳикоя қилувчи лаҳзалар ҳам ўз ифодасини топди.

## ЕШ РАССОМЛАР КУНИ

Ўзбек тасвирий санъати ижодиётининг етук намоёниси Урол Тансиқбоев асарлари кенг оммалаштирилган. У яратган «Тахиташо», «Қайрақум ГРЭСи тонги», «Каттакўрғон сув омбори» каби йирик полотнолари кўпгина кўргазмаларда намойиш қилинган. Рассом истеъдодли ёшларга ҳам устозлик қилган. Унинг бу соҳадаги хизматларини тақдирлаш мақсадида Тошкентдаги Урол Тансиқбоев уй-музейи яқин ташаббус билан чиқди. Хар йили 20-октябрни уй-музейда ёш рассомлар кўни сифатида нишонланадиган бўлди. Шу саъй-ҳаракат муносабати билан бундай тадбирга катта тайёрларлик қўрилди. Умидли ёш истеъдодлар асарлари кўргазмаси тайёрланмоқда.

## КОРЕЙС МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

Мамлакатимизда Корея маданияти ҳафталиги бошланди. Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси саъй-ҳаракати билан уюштирилган бу йирик маданий тадбир «Корея-кореийс маданиятини ҳамда дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Кореийс маданияти кўнларини мамлакатимизда ўтказиш яқин аънамага айланб қолди. Бу сафарги ҳафталикка ҳам пухта тайёрларлик қўрилди. Ўзбек ва корейс мўйқалам усталари асарларини ўз ичига олган кўргазма эса Ўзбекистон Бадий галерейсида намойиш қилинмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрида уюштирилаётган концерт корейс санъаткорлари ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш қиладилар. Тошкентдаги Кореийс маданияти марказида эса кинофестивал дастурини ўрин олган корейс фильмлари ҳам томошабинлар эътиборини ўзига тортади. Кореийс маданияти ҳафталиги унинг иштирокчиларида яқин таассурот қолдириши турган гап.

А.АЛИЕВ

**ISHONCH**  
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Муассис: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.